# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДЕПАРТАМЕНТИ

## ЮРИДИК ШАХСЛАР МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ СУММАСИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТНОМА ШАКЛИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

**Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотнома шаклини тақдим этиш бўйича услубий**

# ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-812-сонли Қонуни билан 2023 йил 1 январдан Солиқ кодексининг 417-моддасига киритилган ўзгартиришга асосан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани жорий йилнинг 20 январигача тақдим этишлиги белгилаб берилди.

Мазкур **my.soliq.uz** манзилига юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотнома шакли жойлаштирилди.

Бунда солиқ тўловчи шахсий кабинетга киргандан сўнг юридик шахсларнинг ҳисоботларини юбориш бўлимига ўтилади.




Электрон шакллардан керакли бўлган мол-мулк солиғи ҳисоботлари шакли танланади.




Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотнома шакли 2 турга бўлинган бўлиб;

1. Айланмадан олинадиган солиқ тўловчилар учун *(чораклик 10401-33).*

2. Айланмадан солиқ тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар учун *(ойлик 10401-34).*



Электрон шакллар | Журнал

Электрон шакллар

Орқага

| Код | Номи | Амал қилиш муддати | Тўхтатилган |
|---|---|---|---|
| 10401_34 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича бўнак тўловларни ҳисоблаш бўйича маълумотнома (минимал қийматни ҳисобга олган ҳолда, (ойлик, шаблон билан)) | 01 . 01 . 2023 | |
| 10401_33 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича бўнак тўловларни ҳисоблаш бўйича маълумотнома (минимал қийматни ҳисобга олган ҳолда, чораклик) | 01 . 01 . 2023 | |

Электрон шакллардан керакли бўлган юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича (Айланмадан солиқ тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар учун ***ойлик***) маълумотнома шаклини танлаймиз.



Электрон шакллар | Журнал

Электрон шакллар

Орқага

| Код | Номи | Амал қилиш муддати | Тўхтатилган |
|---|---|---|---|
| 10401_34 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича бўнак тўловларни ҳисоблаш бўйича маълумотнома (минимал қийматни ҳисобга олган ҳолда, (ойлик, шаблон билан)) | 01 . 01 . 2023 | |
| 10401_33 | Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича бўнак тўловларни ҳисоблаш бўйича маълумотнома (минимал қийматни ҳисобга олган ҳолда, чораклик) | 01 . 01 . 2023 | |

Солиқ сатрида ўзингизга керакли бўлган ҳисобот шакли белгиланади ва йил, давр ва ҳисобот тури танланади.




Маълумотнома шакли 2 та иловадан иборат бўлиб;

1-илова Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича маълумотнома;

2-илова Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича маълумотномага илова.

Сўнгра, маълумотнома шаклининг 1-иловасига яъни юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни ҳисоблаш бўйича маълумотнома иловасига ўтилади.




Маълумотнома иловаси 0101-сатридан 0110-сатрларигача:

- 1-устунида кўчмас мулк объектини кадастр рақами;

- 2-устунида бино иншоот манзили;

- 3-мулк ҳуқуқи пайдо бўлган сана;

- 4-мулк ҳуқуқи бекор бўлган сана

- 5- объект номи;

- 7- бино ва иншоотларнинг умумий майдони ушбу устунлар Кадастр агентлиги маълумотлари асосида автомат шаклланади;

| Кўрсаткичлар | Бино-иншоот манзили | Солиқ даврида | | Объект номи** | Сатр коди | Бино ва иншоатлар умумий майдони (кв.метр)*** | Минимал қиймати татбиқ этилмайдиган иншоотлар | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Мулк ҳуқуқи пайдо бўлган сана | Мулк ҳуқуқи бекор бўлган сана | | | | майдони (кв.метр) | қиймати (сўмда) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |

- 8-9-устунлар Минимал қиймат татбиқ этилмайдиган иншоотларнинг мулк майдони ҳамда қиймати;

Солиқ тўловчи томонидан эгалигидаги кўчмас мулк объектлари бўйича my3.soliq.uz порталидан “Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлар” ахборот тизими орқали қуйидаги тартибда солиқ органлари юборади:

- таркибидаги минимал қиймат татбиқ этилмайдиган объектлар ва 2024-йил учун тахмин қилинаётган объектнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати тўғрисидаги маълумотлар “Кўчмас мулк объектининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (маълумотнома учун) ва ПҚ-208-сонли қарорга асосан минимал қиймат татбиқ этилмайдиган объектлар ” бўлимини танланади.




Шундан сўнг объект қўшиш тугмаси орқали ўзига керакли бўлган объектни танлаб олади.




Керакли объект танлаган ҳолда қўшиш тугмаси босилгандан сўнг қўшимча ойна очилиб, бу ойнада солиқ тўловчи кўчмас мулк объектини ўртача йиллик қолдиқ қийматини, минимал қиймат татбиқ этилмайдиган объектини турини ҳамда ушбу объектнинг мулк эгаллаган майдони ва ўртача йиллик қолдиқ қийматини киритиб, асослантирувчи ҳужжатларни бириктирган ҳолда солиқ органларига юборади.



Шундан солиқ маълумотнома шаклининг 8-9-устунлари автоматик тарзда шаклланади.

- 10- Кўчмас мулкнинг минимал қиймат татбиқ этиладиган майдони;

*(ушбу устун бино ва иншоотларнинг умумий майдонидан минимал қиймат татбиқ этилмайдиган иншоотларнинг мулк майдони чегирилган ҳолда формула орқали акс эттирилади.)*

- 11- Солиқ кодексига асосан кўчмас мулкнинг 1 кв.метри учун белгиланган энг кам қиймати;

-12- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари белгиланган энг кам қийматга туманларнинг иқтисодий ривожланишига қараб 0,5 гача бўлган қўлланилган камайтирувчи коэффициент;

-13- Кўчмас мулкнинг минимал қиймати;

-14- Мўлжалланаётган солиқ базаси (мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати) – “Кўчмас мулк объектининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (маълумотнома учун) ва ПҚ-208-сонли қарорга асосан минимал қиймат татбиқ этилмайдиган объектлар” бўлимида қуйидаги катаклар тўлдирилган ҳолда юборилган маълумотлар асосида автомат шаклланади.


ПҚ-208-сонли қарорга асосан минимал қиймат татбиқ этилмайдиган объектлар

Кадастр рақами: 10:02:01:02:01:0087
Объект жойлашган манзили: ул. Порлок, дом 53
Объект номи: нотурар
Жами ер майдони (кв.м): 5551
Мулк қиймати (сўм): 0
Мулк эгаллаган майдони (кв.м): 1998
Телефон рақами: +998 (__) ___-__-__

Мулк эгаллаган майдони (кв.м): 1,998
Ўртача йиллик қолдиқ қиймати (сўм): 0

-15- Мустақил равишда баҳоланган қиймати ушбу устунга объектнинг 1 кв.метри қиймати энг кам қийматда паст бўлса, солиқ тўловчи томонидан кўчмас мулк объекти қийматини мустақил баҳолатган ҳолда тўлдиради бунда мустақил баҳоланган кўчмас мулк қиймати солиқ солинадиган база ҳисобланади;

*Солиқ тўловчи томонидан кўчмас мулк объектларининг мустақил баҳолаш натижалари [my3.soliq.uz](my3.soliq.uz) портали орқали “Мол-мулк баҳолаш натижаларини тақдим этиш” бўлими орқали орқали тақдим этилганидан сўнг автоматик равишда 15-устунда шаклланади (қуйидаги расм).*

*Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73 сонли қарорга асосан солиқ тўловчи томонидан кўчмас мулк объектларининг мустақил баҳолаш натижаларини Кадастр агентли томонидан доимий асосда маълумотлар базасига киритилишини таъминлаш вазифаси топширилган.*




| Бино ва иншоатлар умумий майдони (кв.метр)*** | Минимал қиймати татбиқ этилмайдиган иншоотлар | | Минимал қиймат татбиқ этиладиган майдони (кв.метр)*** | Солиқ кодексига асосани кўчмас мулкнинг 1 кв.метри учун белгиланган энг кам қиймати (сўмда) | Камайтирувчи коэффициент | Кўчмас мулкнинг минимал қиймати | Мўлжалланаётган солиқ базаси (мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (ўртача йиллик қийматидан) | Мустақил равишда баҳоланган (бозор) қиймати | Солиқ солинадиган база |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | майдони (кв.метр) | қиймати (сўмда) | | | | | | | |
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 |
| 4,621.95 | | | 4,621.95 | x | x | x | | | 6,932,925,000.00 |
| 3,546.12 | | | 3,546.12 | 1,500,000.00 | 1.00 | 5,319,180,000.00 | | | 5,319,180,000.00 |
| 635.23 | | | 635.23 | 1,500,000.00 | 1.00 | 952,845,000.00 | | | 952,845,000.00 |
| 440.60 | | | 440.60 | 1,500,000.00 | 1.00 | 660,900,000.00 | | | 660,900,000.00 |

*Шунингдек, баҳолаш натижалари қиймати 1 кв.метр учун белгиланган минимал қийматдан кўп бўлса, ушбу ҳолда солиқ тўловчилар солиқни ҳисоблаб чиқиш мақсадида, 1 кв.метр учун белгиланган минимал қийматни қўллаш ҳуқуқига эга.*

- 16- солиқ солинадиган база;

- 18- солиқ суммаси.

Маълумотнома иловасининг 19-устуни Солиқ қўмитасининг “E-Imtiyoz” дастурига киритилган объектлар орқали автоматик шакллантирилади. Бунинг учун корхона эгалигидаги имтиёзга эга бўлган кўчмас мулк объектларини акс эттириш учун шахсий кабинетидан “Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат” интерактив хизмати орқали мурожаат қилиши лозим бўлади.



- 020-сатрда **Норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар учун**, ушбу сатрни (*солиқ тўловчи томонидан "Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари" ахборот тизими орқали юборган маълумотлари асосида автоматик шаклланади.*)

Солиқ тўловчи шахсий кабинети орқали my3.soliq.uz порталидан фойдаланган ҳолда "Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари ахборот тизимининг **Қурилиши тугалланмаган объектлари** бўлими орқали ушбу объект тўғрисидаги маълумотларни юборади.




Бўлимга кирилгандан сўнг эгалигидаги кўчмас мулк объектини танлайди ва очилган ойнада кўрсатилган майдонларни тўлдиради.




Керакли майдонлар тўлдирилгандан сўнг солиқ органларига ушбу маълумотларни юборади.

Солиқ органлари ушбу маълумотларни қабул қилгандан сўнг маълумотнома шаклида солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан норматив муддатларда тугалланмаган объектлар бўйича автомат объектининг қолдиқ қийматига нисбатан 3 фоиз миқдорда солиқ суммаси шаклланади.

030-сатрда Консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектлари учун, ушбу сатр *солиқ тўловчи томонидан “Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари” ахборот тизими орқали юборган маълумотлари асосида автоматик шаклланади.*

040-сатрда Темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотлари учун, ушбу сатр *солиқ тўловчи томонидан “Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари” ахборот тизими орқали юборган маълумотлари асосида автоматик шаклланади.*

050-сатрда Қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектлари (кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин олти ой ўтгач), ушбу сатрни *солиқ тўловчи томонидан “Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлари” ахборот тизими орқали юборган маълумотлари асосида автоматик шаклланади.*

Маълумотнома иловалари тўлдирилгандан сўнг, асосий маълумотнома шакли автоматик равишда шаклланади.

**Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича бўнак тўловларни ҳисоблаш бўйича (айланмадан солиқ тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар учун)**

**МАЪЛУМОТНОМА**

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Сумма |
|---|---|---|
| Солиқ базасининг умумий қиймати (020-сатр + 050-сатр + 080-сатр + 090-сатр+130-сатр) | 010 | 142,390,000.00 |
| Базавий ставка бўйича солиққа тортиладиган қиймат (маълумотнома иловасининг 010-сатр 12-устуни) | 020 | 142,390,000.00 |
| Солиқ ставкаси, % да | 030 | 1.50 |
| Солиқ суммаси (020-сатр х 030-сатр) | 040 | 2,135,850.00 |
| Норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектининг мўлжалланаётган ўртача йиллик қиймати (маълумотнома иловасининг 020-сатр 12-устуни) | 050 | |
| Солиқ ставкаси, % да | 060 | 3.00 |
| Солиқ суммаси (050-сатр х 060-сатр) | 070 | 0.00 |
| Консервация қилиниши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинган кўчмас мулк ва тугалланмаган қурилиш объектларининг мўлжалланаётган ўртача йиллик қолдиқ қиймати (маълумотнома иловасининг 030-сатр 12-устуни) | 080 | |
| Темир йўллар, магистрал қувурлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, шунингдек мазкур объектларнинг ажралмас технологик қисми бўлган иншоотларнинг мўлжалланаётган ўртача йиллик қолдиқ қиймати (маълумотнома иловасининг 040-сатр 12-устуни) | 090 | |
| Солиқ солинадиган база (080-сатр + 090-сатр) | 100 | |
| Солиқ ставкаси, % да | 110 | 0.50 |
| Солиқ суммаси (100-сатр х 110-сатр) | 120 | 0.00 |
| Қурилиш ташкилотлари ёки иморатларни қурувчилар балансида кейинчалик сотиш учун кўрсатилган турар жой кўчмас мулк объектларининг (кўчмас мулк объекти фойдаланишга топширилгандан кейин олти ой ўтгач) ўртача йиллик қиймати (маълумотнома иловасининг 050-сатр 12-устуни) | 130 | |
| Солиқ ставкаси, % да | 140 | 1.50 |
| Солиқ суммаси (130-сатр х 140-сатр) | 150 | 0.00 |
| Имтиёз суммаси (маълумотнома иловасининг 010-сатр 15-устуни) | 160 | 0.00 |
| Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг умумий суммаси ((040-сатр + 070-сатр + 120-сатр) - 130-сатр)) | 170 | 2,135,850.00 |
| январь | 1701 | 177,987.50 |
| февраль | 1702 | 177,987.50 |
| март | 1703 | 177,987.50 |
| апрель | 1704 | 177,987.50 |
| май | 1705 | 177,987.50 |
| июнь | 1706 | 177,987.50 |
| июль | 1707 | 177,987.50 |
| август | 1708 | 177,987.50 |
| сентябрь | 1709 | 177,987.50 |
| октябрь | 1710 | 177,987.50 |
| ноябрь | 1711 | 177,987.50 |
| декабрь | 1712 | 177,987.50 |

Ушбу 170-сатрда шаклланган **йиллик солиқ суммаси** айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар учун ўн иккидан бир қисми миқдорида 1701-1712-сатрлари ва айланмадан солиқ тўловчилар учун тўртдан бир қисми миқдорида 1701-1704-сатрлари тенг улушларда мос равишда автоматик шаклланади.

Сўнгра “Сақлаш” ёки “Жўнатиш” тугмачалари орқали ҳисобот сақланади ёки жўнатилади.




Бундан ташқари, “Журнал” бўлимида ҳисоботларни жўнатилганлиги, давлат солиқ инспекцияси томонидан рад этилганлиги, қабул қилинганлиги, хатолик мавжуд ҳолатларини керакли тугмани босган ҳолда кўришингиз мумкин.

**Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ ҳисоботи шаклини тақдим этиш бўйича услубий**

# ҚЎЛЛАНМА

Кўчмас мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати Солиқ тўловчи томонидан эгалигидаги кўчмас мулк объектлари бўйича my3.soliq.uz порталидан “Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлар” ахборот тизими орқали шакллантирилади.

Бундан мўлжалланаётган солиқ базаси (мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати – “Кўчмас мулк объектининг ўртача йиллик қолдиқ қиймати (йиллик ҳисобот учун)” бўлимидан қуйидаги кетма-кетликда маълумотларни тўлдирилган ҳолда шакллантирилади.

1.




**2.**




**3.**




**4.**




Қолган маълумотлар “Алоҳида солиқ ставкаси қўлланиладиган кўчмас мулк объектлар”, “Мол-мулкни баҳолаш натижаларини тақдим этиш”, “Юридик шахсларнинг солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат” ахборот тизимлари орқали солиқ даври давомида юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотнома шакли учун юбориладиган маълумотлар асосида шакллантирилади.

Агар солиқ тўловчи томонидан юқоридаги ахборот тизими орқали маълумотлар солиқ даври давомида шакллантирилмаган бўлса солиқ ҳисоботи тақдим этилишидан олдин мурожаат юбориш орқали шакллантирилади.